



20 18 йил. «07» 08

№ 08-398

« » 20 год.

**Тошкент давлат юридик университети хузурида
жамоатчилик кенгаши фаолиятини ташкил этиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 июндаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг камровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3775-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2018 йил 28 июлдаги “Олий таълим муассасалари хузуридаги жамоатчилик кенгашлари фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги намунавий низомни тасдиқлаш тўғрисида”ги 670-сон буйруғида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш ҳамда университетда таълим жараёни устидан самарали жамоатчилик назоратини ўрнатиш, ушбу соҳада кўплаб муаммоларнинг, энг аввало, коррупция ҳолатларининг олдини олиш, амалга оширилаётган ислохотларнинг мазмун-моҳиятини кенг тарғиб қилиш мақсадида

Б У Ю Р А М А Н:

1. Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2018 йил 28 июлдаги 670-сон буйруғи (бундан буён матнда буйруқ деб юритилади) маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Буйруқ билан Олий таълим муассасалари хузуридаги жамоатчилик кенгашлари фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги намунавий низом (бундан буён матнда Намунавий низом деб юритилади) тасдиқланганлиги инобатга олинсин.

3. Тошкент давлат юридик университети хузурида жамоатчилик кенгаши (бундан буён матнда кенгаш деб юритилади) ўз фаолиятини жамоатчилик асосида олиб бориши ҳамда унинг фаолиятини ташкилий жиҳатдан таъминлаш Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг университетдаги

бошланғич ташкилоти ёшлар етакчиси томонидан амалга оширилиши белгилаб қўйилсин.

4. Проректор Д.Умаров:

кенгаш фаолиятини йўлга қўйиш бўйича ташкилий чораларни кўрсин;

кенгаш таркибини тасдиқлаш бўйича масалани университет кенгашининг навбатдаги мажлиси кун тартибига киритсин.

5. Маънавият ва маърифат маркази (Ш.Пўлотов), Кадрлар бўлими (Д.Абдуллаева) ҳамда курс деканлари Намунавий низом мазмун-моҳиятини талабалар, ходимлар, ота-оналар ва кадрлар буюртмачилари ҳамда ҳамкор ташкилотлар эътиборига етказсин.

6. Ушбу буйрук ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Адлия вазири
Ўринбосари – ректор



Е. Канъязов

Лойиҳа киритди:


Маънавият ва маърифат
маркази раҳбари



Ш.Пўлотов

Келишилди:

Проректор




Д.Умаров

Проректор



М.Камалов

Проректор



Н.Салаев

Юрисконсулт



Ў.Холмирзаев


Тошкент давлат юридик университети ректорининг 2018 йил "7"
август даги Тошкент давлат юридик университети хузурида
жамоатчилик кенгаши фаолиятини ташкил этиш тўғрисида
08-398-сон буйруғини таркатиш

№	Кафедра ва таркибий бўлинма номи	Бўлинма бошлиғи Ф.И.Ш	Имзо
1.	Маънавий-маърифий ишлар бўйича проректор	Д.Умаров	
2.	Ўқув ишлари бўйича проректор	М.Камалов	
3.	Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор	Н.Салаев	
4.	Молия-иқтисод масалалари бўйича проректор	У.Пулатов	
5.	Маънавият ва маърифат маркази	Ш.Пулатов	
6.	Кадрлар бўлими	Д.Абдуллаева	
7.	1-курс декани	А.Бабажанов	
8.	2-курс декани	М.Бердикулов	
9.	3-курс декани	Д.Махкамов	
10.	4-курс декани	И.Эргашев	
11.	Лицей ва коллежлар билан ишлаш бўлими	Б.Хамидов	
12.	Амалиёт, стажировка ва касбий ўсишни мониторинг қилиш бўлими	А.Алланов	
13.	Ўқув-услубий бошқарма	И.Джураев	
14.	Маркетинг бўлими	А. Ирисов	
15.	Таҳририй-нашриёт бўлими	Н. Ниязова	

16.	Ахборот-ресурс маркази	Х. Пирмедова	
17.	Халқаро алоқалар бўлими	Н. Рамазанова	
18.	Магистратура бўлими	М.Раҳимов	
19.	Илмий тадқиқотларни мувофиқлаштириш ва илмий-педагог кадрларни тайёрлаш бўлими	Ж.Абдурахмонхожаев	
20.	Молия-иқтисод бўлими	А.Раҳимов	
21.	Мониторинг ва ички назорат бўлими	Э. Шерматов	
22.	Малака ошириш тармок маркази	А.Якубов	
23.	Бухгалтерия	А. Иминов	
24.	Умумтаълим фанлар	У. Абдурахманов	
25.	Халқаро оммавий ҳуқук	З. Борсиева	
26.	Халқаро тижорат ҳуқуқи	Х. Ботиров	
27.	Тил ўргатиш маркази	Г. Гулямова	
28.	Жисмоний тарбия ва спорт	Д.Доқучаев	
29.	Давлат ҳуқуқи ва бошқаруви	Б.Мусаев	
30.	Бизнес ҳуқуқи	Э.Мусаев	
31.	Давлат ва ҳуқук назарияси ва тарихи	Ш.Сайдуллаев	
32.	Меҳнат ҳуқуқи	Г.Саримсакова	
33.	Жиноят-процессуал ҳуқуқи	У.Тухташева	
34.	Экология ва аграр ҳуқуқи	Г.Узакова	
35.	Фуқаролик-процессуал ва ҳўжалик процессуал ҳуқуқи	Д.Хабибуллаев	

36.	Фуқоролик ҳуқуқи	Н.Имомов	
37.	Жиноят ҳуқуқи	Б. Хидоятлов	
38.	Юрисконсулт	Ў. Холмирзаев	

Маънавият ва маърифат
маркази раҳбари



Ш.Пўлатов